



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzy@sand.uz

2002 йил 28 сентябрь, №210 (3038)

Шанба

Сирдарё вилояти ҳокимлигида гўза дефолиацияси ва кузги бошоқли экинлар экилишининг боришига бағишланган кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди. Унда туманлар ҳокимлари, тегишли вилоят ва туман муассасалари, идоралари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қатор етакчи мутахассислари иштирок этди.

Сифатга эътибор

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Жорий йилда Мирзачўлда 103 минг гектар майдонда пахта етиштирилди. Утган йиллардаги нисбатан сув ва минерал ўғитларда тақчиллик бўлмади. Бироқ серёғин баҳор, ёз бошидаги салқин ҳаво пахтакорларга кўп ташвиш келтирди. Деярли барча даладарда кўшмча механизациялашган ишлов бериш ва ниҳолларни кўп парварош қилишга тўғри келди.

Мутахассисларнинг фикрича, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари даладаридан давлат буюртмасини бажариш учун етарли ҳосил мавжуд. Шароф Рашидов тумани даладаридан ҳам утган йилдаги нисбатан анча яхши ҳосил етиштирилган.

Вилоятнинг барча туманларида кўл терими бошланди. Лекин сирдарёликларнинг бош мақсади — йғим-терим техникасидан кенг фойдаланиш. Афсуски, баъзи туманларда дефолиация ишлари сўст, баъзиларида сифатсиз олиб борилмоқда.

Кузги бошоқли экинларни экиш ишларини ташкил этишда ҳам кўплаб камчиликлар аниқланган. Аксарият ҳолларда уруғлик етарлича ишлов берилмаган, ўғитланмаган ерга ташланмоқда.

Мажлисада вилоят муассасалари, идоралари раҳбарлари, туман ҳокимлари ҳисобот берди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлисада Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов қатнашди.

Т.АХМАДАЛИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Оролбўйи аҳолисига ёрдам


Пойтахтнинг шимолӣ вокзалидан Хоразм вилоятига навабтадаги "Саломатлик поезди" жўнади. Тадбир "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси томонидан республикада ўтказилаётган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Юк таркибиде дори-дармонлар, кийим-кечак, пойабал, довлар озиқ-овқати, боволаш-озиклантириш моддалари, дезинфекция қилиш воситалари, идишларда ичимлик суви бор бўлиб, унинг умумий қиймати 26 миллион сўмдан ортиқ. Муруват ёрдами Оролбўйи минтақаси аҳолисига ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. У "Меҳрибонлик уйлари" тар-

бияланувчилари, кекса ёшдаги одамларга ҳамда шифоналар, фахрийлар пансионатлари, бошқа ижтимоий объектларга берилди.

Оқнинг каттагина қисми 16 июлда ўтказилган республика экология шанбалигидан тушган маблағларга соғий олинган. Муруват ёрдини шакллантиришда республика вазирликлари, идоралари, корхоналари ҳам ҳомийлик ерданини кўрсатди. Улар орасида Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Удонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси, "Онник" очиқ турраги акционерлик жамияти, Тошкент чинни заводи, қатор мебель корхоналари ва кўшма корхоналар бор.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.



Кўшма корхона кенгаймоқда

Бугунги кунда Улуғнор туманидаги «Улқард» Ўзбекистон-Буюк Британия кўшма корхонасида 78 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Уларнинг кучи билан йилгига 300 минг дондан зиёд эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Айни пайтда бу ерда янги буюқ цехи қуриляпти. У ишта тушса, яна 60 нафар киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилади.

Кўшма корхона жамоаси яқиндан бошлаб хорж буюртмаларини ҳам бажаришга киришди. Шартномага кўра, тайёр маҳсулотлар асосан Ҳамдўстлик давлатларига сотилади.

СУРАТДА: илгор ишчи Ҳилола Раҳматова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ОАВ ЭРКИНЛИГИ: ЯНГИ ШАРОИТ — ЯНГИ ТАЛАБЛАР

26-27 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлатларидаги оммавий ахборот воситалари вакилларининг туртинчи конференцияси бўлиб ўтди. "ОАВ эркинлиги ва коррупция" мавзуида ўтган бу галги анжуманда минтақа давлатларидан келган юздан ортиқ журналистлар иштирок этди.

1999 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб ке-

линаётган бу конференция илб бор Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлганди. Орадан бир йил ўтгач, Тожикистон, сўнг эса Қозғистон учрашувга мезбонлик қилган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТТ) ҳамда Ошқ жамият институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган бу галги учрашувга оммавий ахборот воситалари

вакиллари билан бир қаторда турли нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди. Иштирокчилар 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ўтган бир йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида юз берган ўзгаришлар, минтақа давлатларида сўз эркинлигини таъминлаш, юзага келган шароит ОАВ вакиллари олдиға қўйиши мумкин бўлган янги талаблар, журналистиканин коррупция таъсириндан муҳофаза қилиш борасидаги тажрибаларга оид фикрлар билан ўртоқлашди.

(ЎЗА).

ЖАҲОН БОЛАЛАРИ ИЖОДИ

Ўзбекистон бадий академиясида Болалар расмларининг биринчи Тошкент Халқаро танлови оchildи. Дунёнинг турли мамлакатлари болаларининг расмлари кенг намоиш этилаётган ушбу танловнинг очилиши ҳақиқий байрамга айланди — республиканинг турли болалар ижодий жамоалари ижросида янграган мусиқа ва кўшиқлар тадбирга йиғилганларни хушнуд қилди.

Қувонарлиси шуки, чет мамлакатлар ёш rassomларининг асарлари ҳам иштирок этаётган бундай танлов-тадбир республикамизда илк бор ўтказилмоқда. Унинг ташкилотчилиси эса — Ўзбекистон бадий академиясидир. Танлов Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар, Маданият ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, Утзелерадиокомпанияси ҳамда бошқа ташкилотлар, муассасалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелбодовнинг таъкидлашича, мамлакатимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — ёшларни ҳар томонлама ривожланган шахс қилиб вояга етказишдир. Бу эзу мақсадга эришиш учун мустиқликнинг дастлабки кунлариданоқ кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу танловнинг мақсади эса — фарзандларининг бадий иқтидорини янада ривожлантириш, Ўзбекистон болалари ҳамда уларнинг бошқа мамлакатлардаги тендошлари ўртасида ҳамфикрликка эришишга, халқаро мулоқоти йўлга қўйишга кўмаклашиш, ёш иқтидор эгаларини юзага чиқариш, республикамизнинг навақирон ёшларини тарихга, мамлакатимиз меросига, унинг халқаро ҳамжамиятидаги тутган ўрнига бўлган қизғин оширишдир.

Танловнинг жаҳон тасвирий санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган Шарқнинг улуғ миннаторчари rassom бўлмиш Камолддин Бехзода бўлган чексиз ҳурмат рамзи сифатида унинг номи билан аталгани ҳам бежиз эмас. Танлов учун мўлжалланган "Мен ва менинг онам" мавзуи бўйича республикада ҳам, унинг ташқарисида ҳам фаол ахборот бериш, танлов шарҳларини тарқатиш ишлари олиб борилди. Бунинг учун турли каналлар, электрон алоқанинг замонавий воситалари ва бошқалардан фойдаланилди.

Болалар расмларининг Биринчи Халқаро танловида Ўзбекистонлик ёш санъат ихлосмандлари қатори 26 мамлакат, жумладан, Озарбойжон, Миср Араб Республикаси, Бангладеш, Беларусь, Германия, Грузия, Индонезия, Хиндистон, Эрон, Россия, Литва, Молдова, Украина, Словакия, АҚШ, Украина, Чехия, Эстония, Япония ва бошқа мамлакатлар вакиллари иштирок этмоқда. Турли идоралар, муассасаларнинг биргаллиқида фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш учун ташкил этилган Халқаро кўргазмалар дирекциясиға 3 мингдан ортиқ расм тақдим этилди.

Танловнинг олий соврини Гран-при бўлиб, у диплом билан бирга иштирокчиларнинг биттасиға топширилди. Қичиқ, ўрта ва катта ёш тоифасидаги уч иштирокчи биринчи уч ўрин учун медаллар ва дипломлар билан тақдирланади. "Мавзунинг энг яхши ёритилгани учун", "Ижодий ҳаётининг бойлиги учун", "Оригинал техника учун" каби номинациялар бўйича энг яхши асарлар муаллифларига диплом ва эсалик совғалари тақдим этилади. Энг кўп совринли иштирокчилар қўлга киритган иштирокчилар тақдир олдидан ўқув муассасалари, студиялар, тўғрақлар ҳам дипломлар ва ташқурунома-лар билан тақдирланади.

Санъат усталари кўргазмаси

Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида "Таъзим" деб аталган кўргазма оchildи. Мазкур кўргазмада 2002 йил Ўзбекистоннинг турли унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган таниқли тасвирий ва амалий санъат усталарининг асарлари намоиш этилмоқда.

Сир эмаски, мустақиллик rassomлар учун ижода, турли мавзулардаги, турли йўналишлардаги ишларда ўз кайфиятларини, орзу-умидларини, фикрларини ифодалаш учун чексиз имкониятлар оchildи. Дунё тасвирий санъати мактабларининг энг яхши анъаналаридан фойдаланувчи rassomларимиз асарларининг мавзу кўлами кенгайди.

Бугун бадий таълимнинг замонавий тизимини яратиш, истеъодли мутахассис-

ларни тайёрлаш, академик илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, халқаро ижодий ва илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ва хоржда кўргазма фаолияти орқали илмий санъатимиз ютуқларини дунёга кенроқ кўрсатиш учун яратилган барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон халқ rassomлари Дилёр Имомов, Александр Перов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Имрор Мансуров, Искра Шин ва бошқаларнинг асарларини кўриб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шуниси эътиборга сазоворки, бу rassomларнинг асарлари ҳозирги вақтда нуфузли галереялар жамғармаларида, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Швейцария, Япония, Исроилда ҳамда шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ДАРСЛИКЛАР ТАҚДИМОТИ

Республика таълим маркасида 7-синф ўқувчилари учун "Мусиқа маданияти", "Тасвирий санъат" ҳамда 8-9-синф ўқувчилари учун "Чизмачилик" дарсликлари ва ўқув кўлампаларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот дарслик муаллифларининг амалиётчи ўқитувчилар билан ижодий мулоқоти тарзда ўтказилди.

Мамлакатимизда тасвирий санъат ўқув фани сифатида

неча ўн йиллардан бери ўқитилаётган бўлса-да, 5-7-синфлар учун махсус кўламп ма йўқ эди. Эндиликда умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфлари учун педагогика фанлари номзоиди А.Сулаймоновнинг санъатшунос олим Н.Абдуллаев билан ҳамкорликда яратган дарслик ўқувчиларнинг бу йўналишда олаётган билимларини чуқурлаштириш имконини беради.

Р.КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Оптирик туманидаги Капчугай қишлоғида 70 ўринли "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳамқишлоқлар кубончи

Бу ерда аҳоли саломатлигини назорат қилиш, уларга дастлабки тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур барча шароит мавжуд. Янги врачлик пунктида эмлаш, ташхис, аёллар маслаҳатхонаси ҳамда физиотерапия, кичик жарроҳлик муолажаларини ўтказиш бўлими бор. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, миллий меморчилик андозалари асосида қурилган пунктда 19 нафар маалаки врач ва ҳамшира фаолият олиб бормоқда.

— Жорий йилда, шунингдек, Повулдон, Янгиараб, Нуробод, Файзобод ва Азимобод қишлоқларида ҳам замонавий врачлик пунктлари қурилиб, ишта туширилди, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Тўйчибой Саримсоқов.

Р.КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Тадбиркор сўхатгоҳ қурмоқда

Мингбулоқнинг минг булоғи бор, деганлари рост экан. Яқинда унинг бағрида маъданили сув булоғи ҳам кўз оchildи. Туманининг Гуртепа қишлоғидаги қазини ишлари жараёнида бир қатор фойдали моддаларга бой бўлган шифобахш маъданили сув отилиб чикди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сув инсоннинг ҳаракат-танчи аъзолари, асаб системаси, юрак-қон томир хасталикларини даволашда кўл келар экан. Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган Жомашўйдаги "Ҳазрат Али" фирмаси раҳбари Исмоил Қурбонов маҳаллий ҳокимият билан келишиб, бу ерда сўхатгоҳ қуришга қарор қилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ.



Ҳар сафар шундай бўлади. Мавлудахон машғулот бошладими, гуруҳидаги болакайлар уни ўраб олишади. Опанинг қизқарилиб эртақлар, ибратли ҳикоятларни ўқиб, гапириб, тулариниб бериш, машғулотларнинг жонли ўтиши ёқадикки, кичкинтойлар уни ҳеч қачон ёлғизлатишмайди. Уттиз бир йилдан буён мураббийлик касбини улутлаб келётган Мавлудахон Охунжонова бугунги кунда пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 389-болалар богчасида меҳнат қиляпти. Табиатдан болажон тарбияни кичкинтойлар орасида ўзи ҳам бола бўлиб кетади. Уларнинг ҳар бирларига алоҳида меҳр-эътибор билан қарайди. Утган йил самарали меҳнати тақдирлиб, М. Охунжонова «Шўхрат» медалига сазовор бўлди.

СУРАТДА: тарбиячи-мураббий гуруҳ болажонлари даврасида.

Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

